Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Абдусаид КЎЧИМОВ
(масъул секретарь)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(проза бўлими мудири)
Омон МУХТОРОВ
(поэзия бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
(бош редактор ўринбосари)
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
Тўлапберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Наср



Одил ЁҚУБОВ

ОҚҚУШЛАР, ОППОҚ ҚУШЛАР...

Роман

Дейдиларки, дунёда оққушлардай беозор, пок, бегубор парранда йўқ эмиш. Мен ана шундай олижаноб қушлардаги бебаҳо фазилатларни оддий меҳнаткаш кишиларда кўраман. Айрим ҳолларда порахўрлик, ичвогарлик, мансабпарастлик каби иллатлар илдиз отган 80-йиллар бошида ҳам ўзларига гард юқтирмай покиза яшаб, ҳалол кун кўрган заҳматкаш бободеҳқонларимизни ўша гўзал оққушларга қиёс қилгим келади. Ва шу боисдан асаримнинг номини «Оққушлар, оппоқ қушлар...» деб атадим.

Шеърият




Икром ОТАМУРОДОВ

ЯРАДОР УМИД ОТЛАРИ

Публицистик достон

Бўғзидан қони қуйилиб,
ёлларидан тер ёққан
отни
елдириб келар,
елдириб келар,
ел-ди-риб ке-лар
бир бола —
УМИД...

Ҳикоялар хазинаси



Рабиндранат ТАГОР
Икки ҳикоя

Ўз ватаним учун қўлимдан келадиган ишнинг энг кичиги — миллионлаб ватандошларимнинг қаршилигига қўшилишдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иброҳим Ғафуров

ҒАРБ ВА ШАРҚ ЙЎЛЛАРИДА

Фақат одамлар ичра билмоқ мумкин кимлигинг,
Фақат ҳаёт ўргатар кимлигимиз аслида.
И. Ф. Гёте «Торквато Тассо».

Бугунги ўзбек шеърияти мундарижаси асосий йўналишларидан бирини халқаро тематика белгилайди.

Халқлар илгаридан бир-бирларини билишга, ўзаро турли соҳаларда фойдали муносабатлар ўрнатишга интилиб келадилар. Ҳеч қандай муомала-муносабати бўлмаган қўшнилар мутлақо уришмаган эсалар-да, лекин негадир доим уриш ҳолатида юргандай бўлиб кўринадилар. Муомаласиз қўшни ёхуд кимсадан кишилар нарироқ юришга уринишади.

Халқаро муносабатларда ҳам бу ҳол жуда яхши билинади ва кўзга ташланиб туради. Айниқса, ҳозирги замонда. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми ахборот замони. Мамлакатлар ўртасида ошкора ахборотлар кўпайган сари улар ўртасида ишонч вазияти мустаҳкамланаверади. Халқлар бир-бирларини қанчалик кўп ва яхши ўрганиб борсалар, ўзаро шунчалик қалин бўладилар. Одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги энг зарур ва энг олижаноб нарса — тушуниш шунча ортади. Санъат эса ўзининг барча қуроллари ҳамда воситалари билан ана шундай тушуниш иқлими яратишга хизмат қилади. Шунинг учун кишиларни Навоий насллари, Пушкин насллари, Гёте насллари дейишганда, бундан фахрланамиз. Улуғ адиблар орқали бошқа маданий халқлар ўртасидаги ўз ўрнимизни яхшироқ англаймиз, даражамизни билиб турамиз.

Бугунги пешқадам ўзбек шоирларининг лирикада яратган қаҳрамонлари Шарқда, Ғарбда — дунёнинг барча ўлкаларида совет паспорти ҳимоясида «дунё граждани», «олам фарзанди» бўлиб юрмоқда, дунёнинг томир уришига қулоқ солмоқда.

Унинг дунёни кўраётган кўзи, англаётган ақл-идроки, ҳис қилаётган юраги ва шулар ҳақида сўзлаётган сўзлари замонамизнинг маънавий-психологик иқлимини белгилаб келаётганлиги учун ҳам жуда қизиқарлидир.

Кишининг борлиғи ўзга юртларда янада яхши билинади. Одам ойга чиққанидан бери ва ер шарини бир зум ичида айланиб чиқиш имкониятига эга бўлгандан бери мусофир деган тушунчанинг асл мазмуни ўз аҳамиятини йўқотди. Ернинг унча ҳам катта эмаслиги, одамлар учун шундан ўзга қўрғон йўқлиги туфайли одамларнинг ерни ўз уйим деб билиши кучайди. Ер юзи одамлари ҳозир ҳамма замонлардагидан кўпроқ ва самаралироқ борди-келди қилмоқдалар. Натижада, турли халқларнинг тарихан ташкил топган одатлари юзма-юз келмоқда, қарашлар, тушунчалар, муомала йўсинлари қамти-қамти келмоқда. Юзма-юз келишда фикрлар чархланмоқда, лирик фикрлар сиёсий-ижтимоий фикр даражасига кўтарилмоқда, айни чоқда, сиёсий қарашлар лирик қаҳрамон ички дунёси — маънавиятининг ажралмас қимматли томонига айланмоқда.

Юзма-юз келиш... Давлатларнинг лидерлари юзма-юз келганларида дунёнинг энг чигал муаммоларини ҳал қилишга йўл очилмоқда. Турли мамлакатларнинг оддий кишилари ўзаро учрашганларида эса, дўстлик ришталари мустаҳкамроқ боғланмоқда. Не замонлардан қолган музлар ўртада эримоқда.

Жаҳон миқёсида кечаётган жараёнлар миллий лирикага ҳам ўз баракали таъсирини ўтказмоқда, албатта. Абдулла Ориповнинг «Калифорнияда чойхўрлик» шеърида асрларча шаклланган удумлар халқларнинг бир-бирларини тушунишларига тўсиқ бўлолмаслиги очиб берилади. Ўзбекларнинг чойни шопириб ичишлари америкаликка ғалати туюлади. Уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

таажжубга солади. Номаъқул одат бўлиб кўринади. Бир-бирини билмаганда оддий нарсалар ҳам катта англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Бу албатта, билмасликнинг уқубати.

Гарчи бизнинг одатлардан кулмас экан у,
Чой қайтариш нималигин билмас экан у —

дейди шоир. Америкалик киши ўзбеклар пиёлани чайиб юқини тўкиб ташламай яна чойнак ичига қайтариб қуяр эканлар, деб ажабланади. Шоир унинг ғалати аҳволга тушганлигини авзойидаги ўзгаришлар: «бўйнини чўзиб тикилиши», ўзга юрт одамларига мўлт-мўлт қараши, «анқайганча» қолиши орқали яхши кўрсатади. Лекин америкалик тушунишга қобил. Англашилмовчилик рўй бергани аён бўлгач, бунинг кулгили эканлиги ҳам билина қолади:

Одатимиз англагач у, дилдан кулишдик,
Ўзбекча чой мазасини бирга бўлишдик.

Билишдан ўрганиш истаги пайдо бўлади:

Энди чойнак-пиёлани олиб атайин,
Чой қайтариб ўтирарди ўзи хўжайин.

Кўриб турганингиздек, Абдулла Орипов Америкада чой дамлаш эпизодига «кўканча қисса» шаклини танлайди. Ўзи айтмоқчи оддий мулоқатга оддий тўн бичади. Эпизодни оддий, халқона сўзлар билан ҳикоя қилади. Европа зиёлилари ҳаммаёқни америкача оммавий-маданий яшаш тарзи босиб кетаётганлигидан ҳар қадамда шикоят қилаётган ва зўр бериб бундан қутулиш йўлларини излаётган бир шароитда ўзбекона чой дамлашнинг поэтик мушоҳадаси кучли таассурот қолдиради. Абдулла Орипов ўз ҳикоят шеърларида нозик, теран зарофатлар қилишини китобхон яхши билади. Шоир энг доно фикрларни ҳам нозик мутойибага чирмаб айтолади. «Калифорнияда чойхўрлик»да ҳам шоир бир чимдим миллий мутойиба қилади. Ҳа, бу ерда шеър темаси ҳам, ундан келиб чиқадиган фикр ҳам жуда оддийга ўхшайди. Лекин бу оддийлик чамаси, асл бадиятнинг соддалиги. Биз учун ўта одми, кундалик бир ҳодисани шеър ҳодисасига айлантириш учун Абдулла Ориповнинг фикрчанлиги ва оддий ҳодисаларни ҳам шуълалантириб юбориш маҳорати керак бўлади. Шеърни ўқиркан, хаёл ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида ёзилган Фурқатнинг «Гимназия», «Виставка хусусида» сингари шеърларига кетади. Ўшанда ўзбек шоири маърифатга, бошқа халқларнинг илғор маданиятлари, илм-фанини эгаллашга чақирган эди. Бу асрнинг сўнгги чорагида эса ўзбек шоири Америка қитъасида, жаҳонга илм-техникаси билан донг солган Калифорнияда туриб, халқларнинг бир-бирларининг миллий удумларини англашлари, бу ҳам қолаверса, дўстликнинг бир узилмас риштаси бўлиб қолиши ҳақида фикр юритмоқда.

Гоҳо оддий мулоқатдан яшнагай диллар,
Учрашгандай йироқ эллар, олис манзиллар.
Саёҳатда турфа гаплар бўлади, жўра,
Чойхўрлик соз, жанжаллашиб юргандан кўра.

Оддий сўзлар ўз ўрнини топиб айтилганда, даврнинг руҳини мужассам ифодалайди, тарихий шароитнинг характерли қирраларига ишора қилади, шоирона овоз касб этади, зарурат каби қабул қилинади.

Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонида Назрул Исломнинг қўшиғи оломон ўртасида фикр бўронларини уйғотади. Назрул ўз қўшиғида озодликни куйлайди. Қуллик ва ғафлат кишанларини парчалашга чақиради. Назрул Ислом ўз замонасидан анча ўзиб кетган шахс. Шунинг учун оломон унинг илғор ғояларига яктан бўлиб эргашолмайди. Барча ҳам бу ғоялардан тенг нафас ололмайди. Шарқ ишқий шеър тажаллийларига ўрганиб қолган. Шунинг учун Назрулнинг шеърини аллакимлар Шарққа хос бўлмаган шеър деб, кишилар ўртасида норозилик, тафриқа туғдирадилар.

«Қани шеърда гуллар рақси!
Қани булбул навоси!»

Абдулла Орипов шеърида муносабатлар ойдинлашгач, ўртада хайрихоҳлик пайдо бўлади. Эркин Воҳидов достонидаги бу эпизодда кишиларнинг бир-бирларини англамасликлари нифоқ ва нафратга айланади. Нифоқ эса жаҳолатнинг белгисидир. Эркин Воҳидов йигирманчи асрнинг ориф жоҳиллари фалсафасини, шу фалсафа орқали эса уларнинг малъун башараларини очади. Нега биз малъун деяпмиз? Чунки уларнинг Назрул шеърида куйланган озодлик ва маърифатга қарши отган тошлари, унга инкор қилароқ келтирган далил-даъволари шундай дейишга асос беради. Булар шоир талқинида тарих йўлига тўғон бўлаётган тоифа. Шоир уларнинг ўз сўзлари, сўзларининг равиш, оҳанги, товланиши, «писиллаб» эшитилиши орқали синфий башараларини кўрсатгандай бўлади:

«Бу исённи,
бу нифоқни
Чиқармоқ не зоҳирга.
Сиёсат-ла ўйнашмоқни
Ким қўйибди шоирга...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биқиниб ўтириб яшайдиган, ҳеч нарсани ўзгартиришни истамайдиган, зулмга қарши курашни гуноҳ деб эълон қиладиган тоифанинг қўланса овози эмасми бу? Ёмони шундаки, улар зулмни билиб, кўриб туриб, унга қарши баралла айтилаётган Назрул ғояларини қоралайдилар:

«Ҳа, зулм бор,
Ҳақсизлик бор,
Барчага бу аёндир,
Аммо буни зинҳор-зинҳор
Айтиб бўлмас замондир...»

Ер юзида турли ўлкаларда ижтимоий адолат, тенглик, биродарлик, тараққиёт учун қайғурмайдиганлар ҳали анча-мунча топилади. Улар ички дунёси, ҳаётий фалсафасининг моҳияти қуйидаги сўзларда янада равшан кўринади:

«Ҳамма билар,
Инсон эркин —
Яшаши шарт пойидор.
Биз ҳам айтсак бўлар,
лекин
Уйда бола-чақа бор...»

Шоир шу лекин... ни алоҳида нуқтага олиб чиққани бежиз эмас. Шу «лекин»... кетида назаримда асрларга тенг пауза... жимлик, сукунат бор. Павка Корчагин бундай узоқ пауза қиладиган шахслар ҳақида сиздан нафталин ҳиди келиб қолибдир, дейди. Ҳа, йигирманчи аср мешчанларининг, зулмга ўнг ва чап бетларини тутиб берганларнинг ва ёмони, бошқаларни ҳам шундай қилишга даъват қилганларнинг фалсафаси шундай. Достонда шу сўзлардан сўнг «Фидойилик тўғрисида ривоят» келадиким, афтидан, бу ҳам бекорга эмас.

Шоир Эркин Воҳидов ҳозирги замон шеърияти — озодлик ва тинчлик учун курашларнинг марказида турганлигини Шарқ санъаткори қисмати воситасида мана шундай параметрларда кўрсатади. У халқаро темада ёзилган, кўп қиррали мундарижага эга бўлган асар ўртасига кескин фикрлар жангини олиб чиқади. Фикрлар жанги инсоният учун қисмат эканлигини кўрсатади ва шу билан бирга йигирманчи асрда бу мафкуравий жанг янги паллага кирганлигини, янги олий мазмундорлик касб қилганлигини эҳтирос билан очиб беролади.

Фикрлар жанги... Бутун инсоният тарихи шу жанг фожеаларидан иборат.

Фикрлар жанги... унда инсон намоён бўлади.

Шоир Омон Матжоннинг:

Нью-Йоркда мендан бир зот —
Ўзиям сал меровми,
«Ўзбек қандай халқ! — деб қолди,
Тошкентинг, бу — Масковми!» —

деган сатрларини қайта ўқиганимда, тарих ва инсон ҳақида айтилган, инсон тарихга муносиб бўлиши керак, деган сўзлар ёдимга тушди. Америкада ўзбекнинг вакилига савол берган ўша зот, қарангким, бир халқнинг тарихини йўққа чиқармоқчи бўлади, бу қўлидан келмаслигини билади, шу темада мазах сўз юритмоқчи, суҳбатдошининг миллий ифтихор туйғуларини ерга урмоқчи, уни билмаган киши бўлиб эзиб ташлашга уринади. Адоват ва кин уруғларини сепмоқчи бўлади. Чет элларда кишилар баъзан билмай шундай қиладилар, лекин атай мақсад билан билиб, яхши англаб шундай йўл тутадиганлар ҳам топилади. Шоир заковатига балликим, у суҳбатдошининг калла қаватларида ғимирлаган фикрларни, найранг билан ўт ёқишларни яхши сезиб туради. Ва ўзини, ўз тарихини елкасида кўтароладиган даражада маърифатли инсон каби тутади. Ўша зотга жавоб бераркан, халқи асл моҳиятини белгилайдиган ўзига хос сифатлар, хусусиятлар, фазилатлар ҳақида ўйланади. Ўз халқининг умуминсоният қаторидаги қимматли хусусиятларини билиш ва буларни энг тўғри, энг равшан сўзлар билан ифодалаб бериш осон иш эмас. Гоҳо буни билиш ва англаш учун неча-неча умрлар ҳам кифоя қилмаслиги мумкин. Шоир чет элдаги зотга энг ишончли сўзини айтишни истайди. Халқнинг ўтмиши ва бугунини белгилаб берган, уни яшовчан ва устивор қилган белги-хусусиятларни бандлар тизмасига теради. Алоҳида олинган белгилардан яхлит бир хулоса чиқаришга уринади. Шунда кўз ўнгимизда меҳнаткаш, юртсевар, одампарвар эл қиёфаси гавдаланади. Шоир хорижлик зот қошида халқининг айрим камчиликларини ҳам яшириб ўтирмайди, уларни бир оз маъюслик ва зарофат билан тилга олади. Лекин шеърнинг катта фикрини охирги уч бандга жойлайди:

Америка десанг, бугун
Дунёнинг кўп жойида
Кўплар шошар — эсдан чиқиб
Миллат, ватан, қоида!
Америка чиндан, зўр жой,
Лекин сал-пал қайтаман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди сенга халқимнинг энг
зўр хислатин айтаман!
Шу пайтгача ҳали ҳеч вақт:
Текшир олди-ортидан, —
Америка деб, бирон ўзбек
кечган эмас юртидан!

Шоир халқнинг ватанпарварлигини шу тариқа энг юқори нуқтага кўтаради.

Ҳа, чет эллик кишилар билан мулоқотларда тарихнинг катта ҳодисалари устида баҳс боради ва бунда фикрлар чархланади. Шеър қаҳрамони бундай осон бўлмаган учрашувларда ўзини халқнинг кичик зарраси, унинг таълимини кўрган фарзанд, кескин, ўткир, тўғри жавоб бериш қобилиятига эга меҳрли, нурли инсон каби тутади.

Умуман, шоирларимизнинг халқаро мавзуларда яратган шеърларида тарихийлик, фикрлашда тарихийлик анча ишонарлидир. Бу уларнинг фикри далолатларга бойлигида кўринади, далолатлар эса дабдаба эмас, реал ҳақиқатлар асосига қурилганлиги билан эътиборли.

Абдулла Ориповнинг «Мексика» деб аталган шеърида халқ — инсон — тарих чамбарчас бирликда тилга олинади. Мексикаликнинг ўз аждодларини тинимсиз эслаб тилга олиши шоирни ҳайратга солади. (Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтайликки, ҳозирги замон Мексика адибларининг ва айниқса, Хуан Рульфонинг «Педро Парамо», Карлос Фуэнтеснинг «Артемио Круснинг ўлими», «Ёндирилган сув» романларида замон ва тарих бир яхлит хотира каби гавдаланади. Қаҳрамонлар ўз ҳаётларида Мексика қаердан бошланадию қаерда тугайди? бунга аниқ жавоб беролмайдилар.) Абдулла Орипов мексикаликнинг юрагини кичик бир шеърда яхши англаб етолган. Тарих фикрати, халқ қаҳрамонликлари хотираси — уни барча босқинлар, қирғинлардан омон олиб чиқади. Шоир шеърни кутилмаган фалсафий, балки айтиш мумкинки, хайёмона фикр билан якунлайди:

Пойингда минг йиллик қабрлар тўпи,
Бу менинг гўрим деб, йиғлайсан атай.
Ўтмишга тортилган камоннинг ипи,
Ўқ эса олдинга учмоқ учун шай.

Шоирнинг «Сан-Франциscолик талаба билан суҳбат», «Югур, бизнесмен» каби шеърларининг марказида ҳам дунёни яхшилик томонга буриш учун қаратилган фаол фикр — фикрлар жанги туради. Уларда шоир шахси шарқона вазмин, теран, салмоқдор фикрловчи, ўзга халқлар маданиятларини ҳурмат қилувчи киши каби кўзга чалинади. У замоннинг барча воқеаларига тийрак нигоҳ билан қарайди, уларга ўз тажрибалари заминида муносиб баҳосини беради.

Осонмас, осонмас шоир юракка,
Унда туманларнинг дарди, оҳи бор.
Унга бу дунёда яшаш мураккаб,
Чунки шоир қалбнинг иштибоҳи бор —

деб ёзади шоир Эркин Воҳидов «Афғон шоирларига» шеърида. Кейинги йилларда замон билан баравар қадам ташлаётган шоирлар асарларида дунёда кечаётган жараёнларнинг мураккабликларини теран тасаввур қилиш, миллионлаб ер юзи кишиларининг дардларини англаш ва ифодалашга уриниш, ўзининг совет шоири сифатидаги ўрни ҳамда миссиясини инсоният билан пайванд бўлиб кетишда деб тушуниш кузатилмоқда. Бунда миллий совет фикр-қараши чақинлари ёрқин шуълалар таратмоқда. Шоирларимиз буржуа дунёси қарашлари, мафкураси, тушунчалари билан мунозарага алангали, ишонарли, теран умуминсоний фикрлар ўртага ташлаб чиқмоқдалар.

Эркин Воҳидов «Арслон ўргатувчи» ва «Шарқий қирғоқ» деб номланган шеърларида бугунги Ғарб оламининг зиддиятларга тўла ижтимоий қиёфасини яратади. «Эркин дунё»да нега инсон ҳақиқий маънода эркин бўлолмаслигининг илдизларига назар ташлайди. Бу шеърларини жонли диалоглар асосига қуради. Яратаётган образларига рамзий маъно мартабасини беради. Унинг айниқса, «Шарқий қирғоқ» шеъри рамзий маъносининг салмоқдорлиги ва киррадорлиги билан ажралиб туради.

Табиатда денгиз ва дарёларнинг ғарбий томондаги соҳиллари тик ва қоядор, шарқий ёқдаги қирғоқлар эса ясси, қумлоқ ва текис яратилган экан. Шеърда кекса белорус жангчиси айтади: душман устимизга доим ғарб соҳилларидан бостириб келди, бошимизга ажал селини ёғдирди. Биз шарқдан ўша шум ўлим уяларини тугатиш учун бордик. Душман ҳийланайрангларига қарши танимизни байроқ қилдик. Бизнинг мардлик ва эътиқоддан ўзга паноҳимиз йўқ эди. Шунинг учун ҳам ёв қанча кучли бўлмасин, уни таслим қилдик.

Шоир шеърда миқёси катта образлар яратади. Икки соҳил дунёнинг ҳозирги икки образига айланади. Бу образлар орқали шоир бугунги дунё манзараларини сўз шуълалари билан ёритади. Шарқий қирғоқни адолат, тенглик, биродарлик рамзи каби, Ғарб соҳилларини империализм ўчоғи деб қарайди. Шоир «соҳиллар»га жуда кенг ва катта ижтимоий маъно юклайди. Уларни бугунги дунёда беллашаётган икки синфий куч сифатида талқин қилади. Бу шеърнинг марказида ҳам фикрлар жанги...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дардлар гирдобида чарх урар замин,
Мажруҳ сийнасидан силқиб оқар қон...

Шеърнинг нафис хоналарига инсоният бошига офат солиб турган очлик, қашшоқлик манзаралари, бомбалар остида совурилаётган шаҳарлар, ўт ичида қолган вайрона кўчаларнинг тўзонлари кириб келади. Шоир мана шу офатларни замин даргоҳидан супуриб ташламоқ учун фидойи инсонлар керак, деган фикрни қўяди. Биз биламиз, фидойи инсон шоирнинг барча асарларида ўз олижаноб қалби, умуминсоният манфаатлари йўлидаги ишлари билан қатнашади. Фидойи инсон — шоирнинг катта-кичик барча асарларида бош, етакчи қаҳрамон. Ҳозирги замон шоири эса шу фидойи инсонлардан бири. Эркин Воҳидов унга мурожаат қилиб ёзади:

Шоир! Эй, тинчимас оловли юрак!
Адолат юлдузи сенга маёқдир.
Ҳақ йўлда фидойи аскарсан, демак,
Сенинг қароргоҳинг шарқий қирғоқдир.

Шоир фидойи инсонни унинг реал ва шу билан бирга умумий белгилари билан тасвирлайди. «Шарқий қирғоқ»да фидойи бу — кекса белорус жангчиси. Шоир ўз шеърларида кўпроқ ота фидойилар образларини севиб яратади. Шуни айтиб ўтайликки, Эркин Воҳидов оталар билан ўз асарларида суҳбат, мулоқотлар қилишни нақадар севади. Оталар билан ҳаёт ҳақида суҳбат, диалог унинг асарларидан-асарларига доимо янги бир мотивлар, янги бир равишларда кўчиб юради! Шоир фидойи оталарга фидойи ворислар муаммосини доим шеърларида ўртага қўяди. Сўз юритилаётган шеър мундарижасининг салмоқдорлиги услубда ҳам вазмин кўтаринкиликни талаб қилади. Шарқ ва Ғарб қирғоқларининг турфа табиати ҳақидаги сўзлар билан бошланган шеър учинчи бандга келгач, нолали садога тўлади:

Боқиб кўнглим чўкди неча мартаба,
Нега бундай қилдинг, чархи кажрафтор!
Бир соҳилга бериб юксак мартаба,
Бошқа бир соҳилни қилдинг хоксор!

Бу ердаги «чархи кажрафтор», «юксак мартаба», «хоксор» ва бундан кейинги банддаги «гардуни золим» сўзлари белорус жангчиси тилида бизга фавқулодда бўлиб эшитилади. Аслида, кўҳна шарқ кишилари шу тил билан сўзлашлари мумкин эди деймиз. Лекин шеър давом этаркан, бу сўзлар кекса жангчи тилидагина эмас, адиб тилидан ҳам чиқаётганлиги, у сўзларкан, мовий кўзларига тубсиз хаёл чўкканлиги, хотиралар уни қаттиқ ҳаяжонга солаётганлигини кўрамиз. Ҳаяжоннинг тили эса доим эҳтиросли! Адиб жангчи эҳтиросли, шарқона бўлиб туйиладиган тил билан сўзлаши энди бизга табиий туюлади. Шунинг учун унинг кўтаринки кайфияти шоирга ҳам ўтади. Шоир шунда Шарқий қирғоқларнинг фарёдини тинглайди. Шу боис шарқона нолакор сўзларнинг ўз бадиий-мантиқий ўрни бор. Шоир шеърнинг биринчи сатрларидан оҳанг пилигини аста кўтариб боради.

Ўзбекнинг умумжаҳоний алоқалари борасида ёзилган бу шеърда ҳам биз замонаси муаммолари даражасида турувчи, давлат ва дунё ўлчовлари билан фикр юритадиган Замондош шахс образи билан танишамизки, унинг онги даврнинг энг илғор ғоялари билан қуролланганлигини кўриб қувонамиз.

Ўзбек Ғарбга ва Шарққа чиқаркан, ўз замонининг революцион илғор ғоялари билан қуролланган, ўтмишнинг барча халқпарвар улуғ воқеа ва ҳаракатларига меросхўр инсон — ҳеч сўнмас хотира тимсоли бўлиб чиқади:

Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди,
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди —

деган эди оташин Усмон Носир «Нил ва Рим» шеърида. Адабиётимизда ўтмишдаги демократик ҳаракатлар ва буюк анъаналарга ворислик, издошлик жуда кенг ва яхши ишланган. Бу адабиётимизнинг барча поғоналарида севимли, қаламдан тушмайдиган мотивлардан. Не ажабки, бу издошликда Ғафур Ғулом ўзини меҳрибон падар каби, Ойбек муаррих ва мутафаккир, Шайхзода эса ўткир публицист, интеллектуал инсон каби намоён қилган эдилар.

Ҳар бир ҳодисанинг, ҳар бир нарсанинг, ҳар бир одамнинг руҳига кириб ёзиш — шу нарсанинг ўзи бўлиб кетиш ва ҳатто бу санъатда ўзидан ҳам ортиқроқ бўлиб кетиш — энг яхши асарлар ва энг яхши адибларнинг қисмати. Шундай ўзи бўлиб кетмагунча санъат асари яралмайди. Эркин Воҳидов шарқий қирғоқлар ва улардаги ўтмишда кечган, бугунда бўлаётган ҳодисалар ҳақида сўзларкан, унинг ўзи аста шарқий қирғоққа айланаётгандай, шарқий қирғоқ бўлиб сўзлаётгандай таассурот қолдиради. Омон Матжон эса собиқ Америка президенти суратига қараб ўйланаркан, аста унинг вужуди ичига киради: нега унинг боши эгиклиги сирлари, сабабларини очади. У кимсасиз, тарих шовқинлаб ўтган мўғул чўлларидан ўтиб бораркан, бирдан шу чўллар тўнини кияди. Шунда чўл бизга фарёд чекиб ётган тирик жонзот бўлиб кўринади. Ҳамма санъат ҳодисаларида буни «образга кириш» дейилади. Лекин бу образга киришнинг ўзигина эмас. Бу образнинг ўзи бўлиб кетиш. Ўқувчи буни жуда ўткир ҳис қилади. У ҳам санъаткор изидан унинг образлари ичига киради. Лекин образ ичига кирганлигини билмай қолади. Ғафур Ғулом буни пайвандлик деб атаган. Эсингиздами, «Она қизим Жамилага» шеърида:

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейилганди. Ўшанда улкан Шарқ шоири Жамила сиймосига кирганди. Жазойирнинг эрксевар қизи Жамиланинг дардини оламшумул дард — барча софдил инсонларга тегишли дард каби тасвирлаганди. Дардкашлик ҳар бир сатрдан улуғ бир садо таратганди. Бу садонинг уни ҳамон ўчган эмас. Евгений Евтушенконинг Пабло Нерудага бағишланган шеърида Неруда бир ерда: шоир қайда бўлса, олам маркази ўша ерда, деган сўзни айтади. Бу, қаердаки дардли инсон бўлса, шоир ўша ерда деганидир. Евтушенконинг катта халқаро мавзуларда яратган шеърларида ҳам шу пайванд бўлиб кетиш, дард ҳақида ёзувчи кишига эмас, дарднинг айни ўзига айланиш ҳодисаси кузатилади.

Шеъриятимизда турли даврларда халқаро мавзуларда яратилган асарларга қараб, даврларга кўра мулоқот мезонлари, фикрлаш йўсинлари, дунёни унинг бир бутунлигида қабул қилиш ва акс эттиришнинг бадиий равишлари ўзгариб, янгиланиб борганлигини жуда ёрқин кузатиш мумкин.

Ойбек, Шайхзода, Ғафур Ғулом халқаро мавзуда мундарижаси салмоқдор бир талай асарлар яратганлари маълум. Шайхзода «Осиё девони» туркуми ва бошқа бир қатор асарларида, Ойбек «Шарқдан Ғарбга», «Муҳожирлар лагери», «Истамбул», «Байрут» ва бошқа шу каби шеърларида ўзлари кузатган чет юртларнинг шаҳарларига, кишиларнинг яшаш тарзларига ҳам совет санъаткори, ҳам муаррих, ҳам эпик асарлар ёзувчи, эпик фикрловчи носир кўзи билан қарайдилар ва баҳолайдилар. Уларнинг бу каби асарларида эпик очиқ тасвир, ривоят қилиш биринчи ўринда туради. Ойбек ва Шайхзода «Совуқ уруш» ҳоким бўлган даврдаги чет юртлар, шаҳарларнинг эпик манзараларини чизадилар. Ойбекнинг машҳур «Муҳожирлар лагери» шеъри шундай тасвир билан бошланади:

Карачининг бўсағасида
Гигант лагер — латтадан, ҳасдан.
Оч ва касал минглаб оила
Тупроқ ялаб ётар ғам билан...

Шундан тасвир элементи тобора кучайиб боради. Шеър очликнинг чидаб бўлмас манзараларини гавдалантиради. Шфоир Шарқда очликни тўқлик юзага чиқарган деган хулосага келади. Очларнинг уйғона бошлагани, ўз ҳолини англай бошлаганига алоҳида урғу беради.

Шайхзода ҳам эпик тасвир йўлидан боради. Ривоят услуби билан Шарқ халқлари ҳаётининг реал зиддиятларини очади. Кучли маданий қатламларни тасвир предметига айлантиради ва айниқса, Шарқ билан ўзбек элининг қадимдан туташ нуқталарига шоирона нигоҳ қаратади. Аллома шоирларимиз бадиий тасвирда ўзларини жуда улкан санъаткор каби намоён қиладилар. Улар ҳар бир байтларини янги манзара, янги фикр файзи билан тўлдириб юбора оладилар. Бизнинг ҳозирги шеъриятимизда шундай эпик манзаравийлик, ҳаётнинг салмоқдор картиналарини чизиш тамомила йўқолиб бормоқда. Бу шеърда публицистик очиқлик ва баҳснинг кучайиши ҳисобига бўлмоқда.

Ҳозирги шеърият кўпроқ мулоқатга, баҳсга — замон муаммолари устида тортишувларга бел боғлаган. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон каби шоирларнинг халқаро мавзудаги шеърларида конкрет замонавий ҳодисага кучли ҳиссий-эмоционал муносабат, тасвирдан оз, лекин уни ҳам эмоциал баҳс рангларига ўраб фойдаланиш майллари юқори даражага кўтарилмоқда. Предметга, шеър мавзусига Евтушенкога хос муносабатни улар миллий шеър удумлари доирасида ижодий давом эттирмоқдалар. Ўзбек халқаро шеърияти ўзга эллар, шаҳарлар, халқ издиҳомларининг эпик тасвирларидан замонавий халқаро муаммоларнинг маънавий-ҳиссий жиҳатларини бевосита ёритишга киришмоқда. Шахсий, лирик контактлар поэзияси урф бўлмоқда. Бунда дунёқарашлар кураши биринчи ўринга чиқмоқда. Бугунги ўзбек шеъри бу борада ўз муваффақиятли тажрибаларига эга.

Албатта, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон ва қатор бошқа етакчи шоирларнинг шеър қаҳрамонларида ижтимоий маънода издошлик ҳоким. Лекин уларнинг қаҳрамонлари оламларига янги замон белгилари шитоб ва шиддат билан кириб келади. Худди айтайлик, Шайхзоданинг жуда ажойиб «Ҳар сонияда...» деб аталган шеърига эллигинчи йилларнинг характерли манзаралари ҳар байтни янги мазмун билан бойитиб кириб келгандай, олтмишинчи йиллардан эътиборан ўзбек шеър иқлимининг об-ҳавосини белгилашга улкан ҳисса қўшиб келаётган бу шоирларнинг асарларига космос ва ИТР замонининг суратлари тўлади. Эҳтимол, бу суратланиш Шайхзода, Ойбек, Ғафур Ғулом шеърларидагидай тўлғин, зич ва қуюқ эмасдир. Образли суратлар эҳтимол Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон шеърларида сийракроқдир. Улар шеърининг атмосферасида момагулдурак эмас, момагулдуракдан кейинги ҳаво таровати бордир. Шу билан бирга, буларнинг фикр йўсинларида, «мен» шахсида демократизм кучлироқ ва улар кўпроқ замондошлар билан бевосита мулоқотларда бўлишни севадилар. Демократизм нималарда намоён бўлади? Абдулла Ориповнинг «Учрашганда олис эллар» туркумида бошдан-оёқ шу демократизм руҳи ҳоким. Унинг қандайлигини «Калифорнияда чойхўрлик» шеърининг таҳлилида ҳам кузатиш мумкин.

Омон Матжоннинг «Мен нени билмайман, ўртоқ, биродар» деб бошланадиган шеъри ҳам фикрлашда, мулоқотда демократизм — ҳур фикрлилик ҳамда чин ватанпарварлик намунасини беради. У «мен нени билмайман» деган шоирона тезис остига халқ, юрт, тупроқни улуғловчи исботнинг қасрини қуради. Бунда ҳам шоир образи — нотиқ граждан образи билан бир жон бир тандир.

Сўзни унинг тўғри, энг осон маъносида тушуниш бор ва сўзни унинг мураккаб рамзий

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънолари, аллюзиялари доирасида англаш бор. Бунга «Шоҳнома»да жуда доно ва гўзал ривоят келтирилган. Нўширавоннинг донишманд маслаҳатчиси Барзўй ҳиндларнинг бир китобини ўқиди. Унда айтилишича, Ҳиндистон тоғларида бир гиёҳ ўсади. Унинг ҳар япроғи шуъла таратиб туради. Шу япроқни кукун қилиб мурда устига сепилса, мурда тирилади. Барзўй буни ўқигач, тинчини йўқотиб, Ҳиндистонга йўл олади. Қанча-қанча алломаларни ўзига ҳамроҳ қилиб ўша гиёҳни қидирди. Гиёҳ топилмади. Китобда ёлғон гапни ёзган эканлар деб, Барзўй хафа бўлди. Шундан сўнг уни юртнинг энг қари донишманди билан учраштирдилар.

Донишманд Барзўйга сирни очди. Биз орзуни китоб айлаганмиз, деди. Бу — рамз. Гиёҳ — сўхандон, илм — тоғ, ўлган тана — илмсиз вужуд. Мурда дониш, маърифат билан тирилгай, деб жавоб берди. Чол Барзўйга «Панчатантра» китобини берди.

Ўқувчилар кўп ҳолларда китобнинг маъносини шундай, Барзўй каби тушунадилар. Бизга Комила ва Ўктамнинг адресини ёзиб юборсангиз, деб сўрайдилар. Ваҳоланки, ҳар чин мазмундор асарнинг маънолари қават-қават бўлади. Маъноси очиқ ва юпқа, бир қаватли бўлган асарларнинг умри узоққа бормайди. Бугун ёзилиб эртага унутилади. Кейинги йиллар ичида адабиётимизнинг мулки бўлиб қолган халқаро ва сиёсий тематикада яратилган асарлар маъносининг теран ва кўп қирралиги билан аҳамиятли. Улар ўқувчи диққатини жаҳон миқёсида инсон муносабатларидаги янгиликларга тортади. Бундай шеърларни халқлар ўртасида яқинлашиш поэзияси деб аташ мумкин эди. Совет миллатларининг илғор кишилари умумжаҳоний муомала ва муносабатлар доирасига чиқдилар. Шу мулоқотлар туфайли туғилган ажиб жараёнларда уларнинг ўзлари ҳам, улар билан учрашганлар ҳам ва бунга гувоҳ бўлган ўқувчилар ҳам фикран, маънан бойиб борадилар.

Олам граждanларининг ўзаро биродарлик туйғу ҳамда интилишлари мана шу тариқа шаклланади. Инсонларнинг бир-бирларини тушунишлари учун кенг йўллар очилаверади. Шунинг ўзи ҳам бу йўналишда қилинадиган долзарб ишлар қанчалар кўп эканлигини кўрсатади.

Умурзоқ Ўлжабоев

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

«Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати буюк ва енгилмасдир, — деган эди ўртоқ М. С. Горбачев Улуғ ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида. — Уруш йиллари мислсиз кўп нарсани — жудоликлар алами ва ғалаба бахтини, шиддатли жанглардаги жасоратни ва меҳнат билан ўтган оддий кунларнинг камтарона улуғворлигини ўз ичига олади.

Бизнинг ғалабамиз Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини баланд кўтарди. Бу ғалаба совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириб юборди. Биз учун ғалаба илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, биз жуда катта бунёдкорлик режаларини амалга ошириш, Ватанимизнинг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш ва уни янада равнақ топтириш учун ана шу манбадан ҳамиша куч-ғайрат олверамиз». Дарҳақиқат, совет кишиларининг бугунги кунда эришган барча муваффақиятлари, ер юзида тинчлик, тотувлик ва фаровон турмушга эришиш йўлида қўяётган ҳар бир қадами бевосита ана шу буюк ғалабанинг самарасидир. Совет халқининг даҳшатли уруш йилларидаги мардлиги ва жасорати адабиёт ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирларимиз учун ҳам ҳар доим туганмас илҳом манбаи бўлиб келди. Урушнинг энг оғир йилларида барча совет ёзувчилари қатори ўзбек адиблари ҳам ғалабага ишонч руҳи билан суғорилган, халқни эрк ва адолат учун курашга, фидокорликка чорловчи жўшқин асарлар яратдилар. Оташин шоирларимиз Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Миртемирлар тенгсиз жангларда Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғини кўкси билан ҳимоя қилаётган, жон олиб, жон бериб улуғ ғалаба кунини яқинлаштираётган фидокор фарзандларимизнинг қаҳрамонликларини, фронт орқасидаги мардона меҳнат лавҳаларини ҳарорат ва самимиятга тўла шеърларда ҳаққоний гавдалантирдилар. «Россия», «Кузатиш», «Соғиниш», «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло», «Жангчи Турсун» каби шеър ва баллadалар халқимиз орасида катта шуҳрат қозонди. Уруш йилларида совет кишиларининг улуғвор фазилатлари, бой маънавий дунёсини, мустаҳкам иродасини ёрқин очиб бера олган Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри бепоён Ватанимизнинг ҳамма бурчакларида жаранглаб, ёвга қарши курашаётган кишилар юрагига мадад берди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» қиссаси, Комил Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмалари, Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романида бевосита жанг манзаралари, интернационал бурчини шараф билан бажараётган ўзбек жангчиси характерининг тобланиш жараёни ёрқин тасвирланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида фронт орқасида фидокорона меҳнат қилиб, улуғ ғалабага катта ҳисса қўшган ўзбек кишиларининг образлари Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат», Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» каби романларида ўз ифодасини топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi